

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**МЎМИНОВ ХАСАН АЛИҚУЛОВИЧ**

***G.HIRSUTUM* L. МАДАНИЙ НАВЛАРИНИНГ ГЕНОТИПЛАРИНИ  
БОЙИТИШДА А<sub>1</sub>, А<sub>2</sub> ГЕНОМЛИ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**03.00.09-Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

<b>Мўминов Хасан Аликулович</b> <i>G.hirsutum</i> L. маданий навларининг генотипларини бойитишда A <sub>1</sub> , A <sub>2</sub> геномли турларидан фойдаланиш.....	3
<b>Муминов Хасан Аликулович</b> Использование A <sub>1</sub> , A <sub>2</sub> геномных видов для обогащения генотипа культурных сортов <i>G.hirsutum</i> L. ....	29
<b>Muminov Khasan Alikulovich</b> The use of A <sub>1</sub> , A <sub>2</sub> genomic species to enrich the genotype of cultivars <i>G.hirsutum</i> L.....	55
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	60

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**МЎМИНОВ ХАСАН АЛИҚУЛОВИЧ**

***G.HIRSUTUM* L. МАДАНИЙ НАВЛАРИНИНГ ГЕНОТИПЛАРИНИ  
БОЙИТИШДА А<sub>1</sub>, А<sub>2</sub> ГЕНОМЛИ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**03.00.09-Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/B127 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.genetika.uz](http://www.genetika.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:** **Абдуллаев Абдумавлян Абдуллаевич**  
биология фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:** **Набиев Сайдиғани Мухторович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Ахмедов Джамолхон Ходжахонович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Бобоев Сайфулла Гафурович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:** **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: [igebr@academy.uz](mailto:igebr@academy.uz)).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.А.Нариманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к/х.ф.д., профессор

**С.К.Бобоев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д., профессор

**Ш.Юнусханов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё бўйича пахта энг кўп етиштириладиган ноозик-овқат экини бўлиб, йилига 30 млн гектар майдонда 20 млн тоннадан ортиқ пахта толаси етиштирилади. Пахта етиштиришда етакчи давлатлар Хитой, АҚШ, Покистон ва Ўзбекистондир. Бу беш давлат биргаликда жаҳон пахтасининг 65 фоизини ишлаб чиқаради. Қолган 35% дунёнинг бошқа жойларида ишлаб чиқарилади. Пахтачиликда ген муҳандислиги ва биотехнология соҳаларига асосланган янги технологияларни қўллаш орқали ғўзанинг турли экстремал шароитларга бардошли тезпишар ва тола сифати юқори бўлган серҳосил навларни яратишда қимматли ва ноёб шакллари излаб топиш, уларни селекция жараёнларига жалб этиш асосида қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларга эга бўлган донор ва бошланғич ашёларни яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда пахтачиликни ривожлантириш учун ташқи муҳитнинг стресс омилларига, касалликларга ва зараркунандаларга генетик жиҳатидан чидамли бўлган бошланғич манбалар ҳамда ғўзанинг тетраплоид ва диплоид турлардан фойдаланиш ҳисобига қимматли хўжалик белгиларининг генетик ўзгарувчанлиги оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ғўзани геномлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш орқали ғўза генофондида мавжуд шаклларнинг тезпишар, серҳосил, тола сифати ҳамда чиқимининг ирсий бошқарилиш хусусиятларини аниқлаш асосида полигенлар билан назорат қилинадиган миқдорий белгиларнинг кўрсаткичларини ошириш ва уларнинг морфоҳўжалик белгилари билан узвий боғлиқлигидан фойдаланиб, янги истиқболли тизма ва навлар яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда касаллик ва зараркунандаларга бардошли, рентабеллиги юқори, рақобатбардош, тола сифати дунё бозори талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар давомида, ғўзанинг тетраплоид турлари асосида тола сифати юқори бўлган навларни яратиш борасида муайян ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ғўзанинг *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. туричи вакилларида фойдаланиб *G. hirsutum* L. турининг нав намуналари генотипини бойитиш орқали янги нав ҳамда тизмалар яратиш ва амалиётга жорий этишга муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги ВМ-1037-сон «2019 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишнинг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ ба-жарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

*Gossypium L.* туркумига кирувчи ғўзанинг янги навларини яратишда уларнинг генетик асосларига йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Шимолий Техас университетида (АҚШ), Миссиссипи давлат университетида (АҚШ), Хитойнинг Institute of Cotton Research of Chinese Academy of Agricultural Sciences, Tamil Nadu Agricultural University (Ҳиндистон) International Cotton Advisory Committee (АҚШ), Cotton Research Institute (Покистон), Ayub Agricultural Research Institute (Покистон), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон), Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти (Ўзбекистон) институтларида олиб борилмоқда.

Ғўзанинг геномлараро турларини дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия усулларида оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ғўзанинг диплоид *G. herbaceum L.* туричи хилма-хилликларини баъзи ноёб белги ва хусусиятлари маданий навлар генотипига ўтказилган (Institute of Cotton Research of Chinese Academy of Agricultural Sciences, China), *G. arboreum L.* шакллари маданий навлар билан чатиштириш асосида ўрта толали ғўзанинг ноёб дурагай намуналари яратилган (Tamil Nadu Agricultural University, India), ўрта толали ғўзани турли экологик шароитларда ҳосилдорлик потенциалини ошириш мақсадида ҳар битта нав ва минтақа учун энг муносиб агрономик усуллар ишлаб чиқилган (Cotton Research Institute, Pakistan), интрогрессив шаклларнинг қимматли хўжалик белгилари шаклланиши, ўзгарувчанлиги, корреляцияси ва кластер таҳлили асосида янги ўрта толали тизма ва навлар олинган (Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон), интрогрессив тизмаларнинг турли иқлим шароитида қимматли-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик даражаси, вилтга бардошлилиги ва мослашувчанлик имконияти аниқланган (Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон).

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.arc.sci.eg>, [www.gfar.net](http://www.gfar.net), <http://www.ccrim.org.pk>, <http://www.ipaperu.org>, <http://www.mascotton.njau.edu.cn>, [www.ars.usda.gov](http://www.ars.usda.gov), [iar.abu.edu.ng](http://www.abu.edu.ng), <http://www.cicr.org.in>, [www.gfar.net](http://www.gfar.net) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда ғўза бўйича геномлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия усулларидан фойдаланиш, жумладан куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: интрогрессив дурагайларида морфобиологик кўрсаткичлари белгиларини ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, корреляцияси ва хўжалик белгиларининг шаклланиши, ўрта толали ғўзанинг хилма-хилликлари амалий селекция жараёнида бошланғич манба сифатида фойдаланиш, диплоид турларининг генетик имкониятини ўрганиш ва генетиканинг анъанавий ҳамда ноанъанавий усуллари асосида турли стресс омиллар бардошлилиги ва қимматли хўжалик белгиларига мослашувчанлик хусусиятлари мажмуасига эга янги тизма ва навларни яратиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғўзанинг ижобий белги ва хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган навларини яратишда, *Gossypium* L. туркумининг вакиллари иштирок этган турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиб, қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга, касалликлар (гоммоз, вилт) ва зараркунанда ҳашоратларга чидамли донорлар олишга бағишланган тадқиқотлар хорижлик олимлар С.Ҳанг & al. (2008), L.Zhang & al. (2010), К.Р.Акhtar & al. (2010, 2015), J.Luo & al. (2012), D.D.Fang & al. (2013), R.Ullah & al. (2014, 2018), Y.Chen & al. (2015), I.A.Khan & al. (2016), R.Z.Naqvi & al. (2017), R.Ullah & al. (2018) ҳамда республикамиз олимлари Г.С.Зайцев (1928) С.С.Канаш (1932), Ф.М.Мауер (1954), Х.Бабамуратов (1976), А.Д.Дадабаев (1976), Л.Г.Арутюнова ва бошқалар (1988), А.А.Абдуллаев (2003), Х.А.Мўминов (2017), С.Ғ.Бобоев (2017), С.М.Ризаева ва бошқалар (2018) томонидан олиб борилган. Натижада ёввойи ҳамда маданий турларни дурагайлаш орқали фойдали хўжалик белгиларини ўзида мужассамлаштирган ва бу белгиларни маданий навларга ўтказишда бошланғич манба сифатида генетика ва селекция изланишларида қўлланилиши мумкин бўлган дурагайлар олишган.

Турли геномли ғўза турларининг дурагайлаш асосида янги генотипларга эга бўлган дурагай шаклларни амфидиплоид даражасига кўтариш, интрогрессив дурагайларнинг морфобиологик белгиларини ўрганиш бўйича ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилган ва олинган натижалар С.М.Ризаева (1996), Б.А.Сирожиддинов (2020), B.S.Sandhu, (1989), P.Singh (1998), V.V.Singh (2001), P.S.Lather & al. (2001); G.Lagheti & al., (2002), A.M.Ali & al. (2003), V.N.Kulkarni & al. (2003) ва бошқа олимлар ишларида ёритилган.

Бироқ, маданий диплоид турларини туричи ва турлараро дурагайлаш орқали янги дурагайлар олиш ва уларни цитогенетик ва гибридологик таҳлил қилиш, маданий тетраплоид ҳамда диплоид турларни турлараро дурагайлаш асосида янги генотипларга эга бўлган дурагай шаклларни амфидиплоид даражасига кўтариш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф4-Т-102 «*Gossypium* L.

туркуми туричи хилма-хилликларининг филогенетик муносабатларини ва селекциядаги имкониятларини ўрганиш» (2007-2011 йй.), ФА-А8-Т017 «Ўза генофондининг диплоид ва тетраплоид турларига оид дунёвий хилма-хилликлари орасидан турли услублар қўллаш асосида қимматли намуналар ажратиб олиш, баҳолаш, селекциявий жараёни жадаллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзанинг  $A_1$ ,  $A_2$ ,  $AD_1$  геномли турларини чатиштириш асосида олинган амфидиплоидли дурагай оилаларини қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, корреляциясини аниқлаш натижасида генетик жиҳатдан бойитилган янги тизмаларини яратиш ҳамда амалий селекцияда қўллашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

*G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. асосида туричи ва турлараро янги дурагайлар олиш;

$F_{1-2}$  авлод туричи ва турлараро дурагайларнинг баъзи морфо-биологик белгиларини гибридологик таҳлил қилиш;

турлараро дурагайлаш асосида олинган янги генотипларни колхицин таъсирида амфидиплоид даражасига кўтариш;

$A_1$  (*G. herbaceum* L.),  $A_2$  (*G. arboreum* L.) ва  $AD_1$  (*G. hirsutum* L.) геномли, туричи (*G. herbaceum* L. × *G. herbaceum* L.) ва турлараро (*G. herbaceum* L. × *G. arboreum* L.),  $F_{1-2}C$  [*G. hirsutum* subsp. *euhirsutum* («Келажак» нави) ×  $F_1$ (*G. arboreum* subsp. *perenne* × *G. arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*)] турлараро амфидиплоид дурагай комбинациялари ҳамда  $F_{1-2}$  дурагай комбинацияларнинг цитогенетик белгиларини аниқлаш;

$F_{1-6}C$  турлараро амфидиплоид дурагай комбинация оилаларида қимматли-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини аниқлаш;

$F_{1-6}C$  турлараро амфидиплоид дурагай комбинация оилаларида қимматли-хўжалик белгилари орасидаги ўзаро коррелятив боғлиқликларни аниқлаш;

$F_{1-6}C$  турлараро амфидиплоид дурагай комбинация оилаларида қимматли-хўжалик белгиларининг ўзаро кластер таҳлилинини ўтказиш;

Оталик ( $F_1$ (*G. arboreum* subsp. *perenne* × *G. arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*)) ва оналик (*G. hirsutum* subsp. *euhirsutum* («Келажак» нави)) шакллари ва улар асосида олинган генетик жиҳатдан бойитилган рекомбинант тизмаларни *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum*, *Fusarium solani* ва *Verticillium dahliae* Kleb. фитопатоген замбуруғ штаммларига чидамлилигини ўрганиш;

ўзанинг хўжалик белгилар мажмуаси бўйича генетик жиҳатдан бойитилган рекомбинантларидан тизмалар яратиш ҳамда селекцион-генетик тадқиқотлар ва амалий селекция жараёнида қўллаш учун тавсия этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *G. herbaceum* L. туричи хилма-хилликларидан – қадимги ёввойи шакл subsp. *africanum* (Watt) Mauer, кўп йиллик рудерал ва экиладиган шакл subsp. *pseudoarborescens* Mauer, subsp. *pseudoarborescens* f. *harga*, subsp. *frutescens* (Delile) Mauer, «А-338» (subsp. *euherbaceum* Mauer) ҳамда *G. arboreum* L. туричи хилма-хилликларидан – қадимги ёввойи форма subsp. *obtusifolium* (Roxb.) Mauer, subsp. *obtusifolium* var. *indicum*, кўп йиллик рудерал ва экиладиган шакл subsp. *perenne* (Blanco) Mauer, ярим симподиал ва симподиал тропик шакл subsp. *neglectum* (Tod.) Mauer, subsp. *neglectum* f. *sanguineum*, симподиал субтропик шакл subsp. *nanking* (Meyen) Mauer (новотранг толали) ҳамда «А-352» намунаси, тетраплоид *G. hirsutum* L. тури subsp. *euhirsutum* кенжа турининг «АН-Боёвут-2», «Султон», «Келажак», «Генофонд-2» навларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предмети.** Туричи ва турлараро чатиштириш асосида олинган дурагайларда морфоҳўжалик белгиларнинг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик характери, уларнинг цитогенетик таҳлили, янги ирсий асосга эга оила ва тизмаларнинг хўжалик белгилар орасидаги корреляцион боғлиқликлари, кластер таҳлиллари, патоген замбуруғ штаммларига чидамлилигини таҳлил қилиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, туричи ва турлараро дурагайлаш, реципрок дурагайлаш, якка танлаш, цитогенетик, қиёсий морфология услублари, фенологик кузатувлар, экспериментал полиплоидия, микробиологик ва фитопатоген таҳлиллари, генетик-статистика таҳлилларининг замонавий усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор  $A_1$  («*G. herbaceum* L.») ва  $A_2$  («*G. arboreum* L.») геномли туричи вакилларининг тўлиқлигича ўзаро ва турлараро дурагайланиш имконияти, туричи ва турлараро  $F_1$  дурагайларида чангдонлар ва чанг доначалари сони белгилари ота-оналик шаклларида нисбатан оралик ҳамда салбий ва ижобий ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланганлиги,  $F_1$ - $F_2$  ўсимликларида чанг ҳаётчанлиги юқори эканлиги маданий навларга ёввойи, рудерал, маданий тропик шаклларида фойдали белги-хусусиятларини ўтказиш имконияти аниқланган;

ғўзанинг  $F_1C$  (*G. hirsutum* subsp. *euhirsutum* «Келажак» нави х ( $F_1$  *G. arboreum* subsp. *perenne* х *G. arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*) комбинацияси иштирокида олинган дурагайлар уруғларига 0,01% колхицин таъсир этириш ҳисобига гексаплоидли ва десинаптик таъсирга эга (бивалентлар  $37,72 \pm 0,13$  та ва унивалентлар  $1,94 \pm 0,29$  та) ўсимликларда геном мутацияси юз берганлиги аниқланган;

турлараро *G. hirsutum* subsp. *euhirsutum* «Келажак» нави х [ $F_1$  *G. arboreum* subsp. *perenne* х *G. arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*] дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш орқали яратилган амфидиплоид дурагайларда қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлик қўлами, коррелятив боғлиқлигининг гибридологик таҳлили

хамда кластер таҳлил натижасида ирсий жиҳатдан бойитилган янги генотиплар олинган;

*Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* Kleb. фитопатоген замбуруғ штаммларига чигит унувчанлиги бўйича «Келажак» нави чидамсиз ва ўртача чидамли 10,0-30,0 %, амфидиплоид дурагайи асосида олинган «Т-8», «Т-41», «Т-59» тизмалари эса кучли чидамли (90 %) эканлиги аниқланган;

амфидиплоид дурагайи асосида олинган «Т-59» тизмаси андоза «С-6524» навига нисбатан 8-11 кунга эртапишар, тола индекси андоза (6,9) га нисбатан юқори (8,0) г, микронейр кўрсаткичи 4,1 андоза (4,9) mic, солиштирама узилиш кучи 35,1 андоза (30,0) г.к/текс бўлган «Моҳинур» нави яратилган;

турлараро (*G.hirsutum* subsp. *euhiirsutum* «Келажак» нави х [ $F_1$ *G.arboreum* subsp. *perenne* х *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*]) амфидиплоид дурагайи асосида олинган «Т-5», «Т-8», «Т-13», «Т-14», «Т-41», «Т-59» тизмалари тезпишар, тола индекси, сифати юқори ҳамда *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* Kleb. фитопатоген замбуруғ штаммларига кучли чидамлилиги аниқланиб, генетик-селекцион жараёнида қимматли бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкин эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ғўзанинг *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* Kleb. патоген замбуруғ штаммлари га чидамли бўлган амфидиплоид «Т-5», «Т-8», «Т-13», «Т-14», «Т-41», «Т-59» тизмалари олинган;

«Т-59» тизмасидан якка танлаш усулида тезпишар, ҳосилдор, тола индекси ва сифати юқори бўлган ғўзанинг янги ўрта толали «Моҳинур» нави, ҳамда турлараро дурагайлаш усулида олинган Т-360 тизмасидан «Генофонд 2» нави яратилган;

*Gossypium* L. туркумига мансуб диплоид ва тетраплоид турларни дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларини қўллаш орқали яратилган амфидиплоид дурагайларда қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши бўйича олинган маълумотларни назарий тадқиқотларда, яратилган интрогрессив дурагайлар ва шакллар эса ғўза селекциясида фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** генетика ва амалий селекциянинг комплекс усулларини қўлланилганлиги ва улар асосида олинган натижаларни етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, маълумотларни статистик таҳлил қилинганлиги, шунингдек, хулосалар илмий ишботланганлиги, кўп йиллик изланишлар асосида олинган ноёб интрогрессив тизмаларни генетика-селекция изланишларда дастлабки манба сифатида фойдаланиш учун тавсия этилганлиги ҳамда Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги ғўзанинг *Gossypium* L. туркуми «Ноёб объект» генофондида сақланаётганлиги билан

изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўзанинг  $A_1$  («*G. herbaceum* L.») ва  $A_2$  («*G. arboreum* L.») геномли туричи намоёндаларининг тўлиқлигича ўзаро ва турлараро дурагайлаш имконияти аниқланганлиги, айрим морфологик белгиларининг ирсийланиши қай даража кечиши исботланганлиги, турлараро дурагайлаш асосида янги генотипларга эга бўлган дурагай шаклларни амфидиплоид даражасига кўтариб, улардан генетика ва амалий селекцияси жараёнларида самарали фойдаланиш имкониятлари очиб берилганлиги, турлараро амфидиплоид дурагай комбинация оилаларида қимматли-хўжалик белгилари ирсийланиши, ўзгарувчанлик даражаси ва шаклланишига қиёсий баҳо берилганлиги, белгиларнинг генетик табиати ҳамда ўзгарувчанлигига эга рекомбинантларни ажратиб олишдаги самарадорлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўзанинг экспериментал полиплоидия ва дурагайлаш услубларини қўллаш орқали маданий навлар генотипини ёввойи турларга хос ноёб белги-хусусиятлар билан бойитиш мумкинлигини тасдиқланганлиги, янги турлараро амфидиплоид дурагай асосида «Т-5», «Т-8», «Т-13», «Т-14», «Т-41», «Т-59» тизмалари олинганлиги ва генетика-селекция изланишларда дастлабки манба сифатида фойдаланиш учун тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *G. hirsutum* L. маданий навларининг генотипларини бойитишда  $A_1$ ,  $A_2$  геномли турларидан фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадқиқот натижасида яратилган «Генофонд 2» ғўза нави 2020 йилда Жиззах вилояти Мирзачўл тумани Мирзачўл, Абай, Тошкент, Пахтазор, Мустақиллик келажаги, Истиклол, Р.Хайдаров ҳудудларида 847,9 гектар майдонга, Шароф Рашидов туманидаги Х.Олимжон СИУ ва Олтинсой СИУ хўжаликларида 182,2 га, жами 1031,1 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 6 июлдаги 02/22-04/4496 – сон маълумотномаси). Натижада ушбу навдан юқори ҳосил олиш имконини берган;

ғўзанинг «Т-59» ноёб интрогрессив тизмасидан №ФА-А8-Т019 «Ўзанинг янги адаптив, қимматли хўжалик белгиларни ўзида мужассам этган, тезпишарлик, ҳосилдорлик ва тола сифати устуворлигида навлар яратиш ва кўпайтириш. Конкурс нав синовини ўтказиш» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 23 ноябрдаги 4/1255-2607-сон маълумотномаси). Натижада, ҳосилдор, тола чиқими ва айниқса, толасининг сифати юқори бўлган интрогрессив рекомбинант шакллар ва турли стресс омилларга чидамли навлар яратиш имконини берган;

«Т-59» тизмасидан яратилган тезпишар, тола чиқими ва тола индекси юқори бўлган ўрта толали «Моҳинур» ғўза нави Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг «Ўза генофонди» ноёб объекти коллекциясига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар

академиясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 4/1255-2635-сон маълумотномаси). Натижада, коллекцияни тезпишар, битта кўсақдаги пахта вазни, тола чиқими, тола индекси, микронейр, солиштирма узилиш кучи белгилари кўрсаткичлари юқори бўлган ва турли стресс омилларга чидамли бўлган янги намуналар билан бойитиш имконини берган;

*G.hirsutum* L. маданий навларининг генотипларини бойитишда  $A_1$ ,  $A_2$  геномли турларидан фойдаланиш бўйича олинган натижаларга импакт факторга эга бўлган илмий журналларда, ҳаволалар келтирилган ва ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларини ирсийланишини таҳлил қилишда фойдаланилган (Scopus, Scientific Journal Impact Factor, Research Gate) (EPRA International Journal of Research and Development (IJRD), 2020, Vol. 5 Issue 3., SJIF, IF 6,260; EPRA International Journal of Research and Development (IJRD), 2019, Vol. 4 Issue 9., SJIF, IF 6,260; International Journal of Science and Research (IJSR), 2017, Vol. 5 Issue 9., Research Gate, IF 0,23). Натижада, ғўзанинг туричи ва турлараро дурагайлаш асосида олинган ўсимликларидида қимматли-хўжалик белгилари ирсийланишини асослаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 189 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ќўза навлари генотипларини яхшилашда турли геномли турлардан фойдаланиш таҳлили**» деб номланган биринчи бобида *Gossypium* L. туркуми турлари вакилларида фойдаланилиши бўйича республикамиз ва хорижда олиб борилган илмий тадқиқотларнинг шарҳи, жумладан, маданий (*G.herbaceum* L. *G.arboreum* L., *G.hirsutum* L.) ғўза турларининг генетик-селекцион тадқиқотларда фойдаланилиши тарихи,

турлараро дурагайларда морфоҳўжалик белгиларнинг боғлиқлиги юзасидан олиб борилган тадқиқотлар бўйича олинган илмий ва амалий натижаларнинг чуқур таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Вўзанинг  $A_1$ ,  $A_2$ ,  $AD_1$  геномли турлари вакилларининг манбалари, ўрганиш услублари ва шароити**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой ва унинг шароити, тадқиқот манбаи келтирилган бўлиб, унда туричи ва турлараро дурагайлаш, реципрок дурагайлаш, якка танлаш, цитогенетик, қиёсий морфология услублари, фенологик кузатувлар, экспериментал полиплоидия, микробиологик ва фитопатоген таҳлили, генетик-статистика таҳлилларининг замонавий усулларида фойдаланилгани тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Вўзани  $A_1$ ,  $A_2$  геномли турларининг туричи ва турлараро  $F_1$ - $F_2$  ўсимликлари баъзи морфобиологик белгиларининг ирсийланиши**» деб номланган учинчи бобида *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. кенжа турлари туричи ҳамда турлараро ўзаро чатишиши,  $F_0$  дурагай кўсаклари ҳамда улардаги тўлиқ уруғларнинг тугилиши фоизи, туричи ва турлараро дурагайларининг битта тугунчадаги уруғкуртаклар сони, барг шакли ва кўсак шакли белгиларининг ирсийланиши бўйича олинган натижаларнинг таҳлили келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг туричи хилма-хилликларининг ўзаро ҳамда турлараро дурагайлаш натижалари келтирилган. *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларини тўлиқлигича туричи ва турлараро дурагайлаш асосида кўплаб  $F_0$  дурагай кўсаклар олинди, бунда дурагай кўсакларнинг тугилиши эса 4,7-100,0 % ни, дурагай кўсаклардаги тўлиқ уруғлар тугилиши 17,6-99,7 % ни ташкил этди (1-жадвал).

Бобнинг иккинчи бўлимида *G. hirsutum* L. х (*G. arboreum* L. х *G. herbaceum* L.) турлараро ўзаро чатишиши ва  $F_0$  дурагай кўсакларида уруғ тугилиш натижалари келтирилган. Ушбу бўлимда мураккаб поғонали дурагайлаш усулидан фойдаланиб, ўзанинг *G. hirsutum* L. х (*G. arboreum* L. х *G. herbaceum* L.), *G. hirsutum* L. х (*G. arboreum* L. х *G. arboreum* L.) навлари ва дурагайлари ўртасида турлараро чатишиш ҳамда  $F_0$  дурагай кўсакларида уруғ тугилиши бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқот натижаларига кўра, ушбу мураккаб турлараро  $F_0$  дурагайларда тугилган кўсаклар 3,4-66,6 % ни, улардаги тўлиқ уруғлар тугилиши эса 5,0-25,0% ни ташкил этди.

*G. hirsutum* L. х (*G. arboreum* L. х *G. herbaceum* L.) схемасидаги турлараро дурагай комбинациясида тугилган кўсаклар 3,5-41,6 %, тўлиқ уруғлар тугилиши эса 0,0-20,0% эканлиги қайд этилди.

Бобнинг учинчи бўлимида *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг туричи ва турлараро  $F_1$  дурагайларини битта тугунчадаги уруғкуртаклар сони белгиси бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. *G. herbaceum* L турининг туричи  $F_1$  дурагайларини 4 гуруҳга бўлиб, таҳлил қилинганда, битта

***G.hirsutum* L. x (*G.arboreum* L. x *G.herbaceum* L.) турлараро ўзаро  
чатишиши ва F<sub>0</sub> дурагай кўсақларида уруғ тугилиши**

№	Чатиштириш комбинацияси	Чатиштиришлар сони	Олинган кўсақлар сони	Тўғилган кўсақлар % и	Тўлиқ уруғлар сони	Пуч уруғлар сони	Улюк уруғлар сони	Тугилган тўлиқ уруғлар % и
<b><i>G.hirsutum</i> L. x (<i>G.arboreum</i> L. x <i>G.herbaceum</i> L.)</b>								
1	(F <sub>1</sub> subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x subsp. <i>pseudoarboreum</i> ) x «АН-Боёвут-2» нави	24	10	41,6	0	220	20	0,0
2	(F <sub>1</sub> subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x subsp. <i>pseudoarboreum</i> ) x «Султон» нави	25	5	20,0	0	135	15	0,0
3	(F <sub>1</sub> subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x subsp. <i>pseudoarboreum</i> ) x «Келажак» нави	13	3	23,0	0	76	4	0,0
4	«Келажак» нави x (F <sub>1</sub> subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x subsp. <i>pseudoarboreum</i> )	28	1	3,5	3	11	1	20,0
<b><i>G.hirsutum</i> L. x (<i>G.arboreum</i> L. x <i>G.arboreum</i> L.)</b>								
5	«АН-Боёвут-2» нави x (F <sub>1</sub> subsp. <i>perenne</i> x subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> )	34	2	5,9	3	55	2	5,0
6	(F <sub>1</sub> subsp. <i>perenne</i> x subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> ) x «АН-Боёвут-2» нави	30	12	40,0	0	477	18	0,0
7	(F <sub>1</sub> subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x subsp. <i>neglectum</i> ) x «АН-Боёвут-2» нави	35	12	34,3	0	205	60	0,0
8	(F <sub>1</sub> subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x subsp. <i>perenne</i> ) x «Генофонд-2» нави	22	14	63,6	0	364	54	0,0
9	(F <sub>1</sub> subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x subsp. <i>pseudoarboreum</i> ) x «Генофонд-2» нави	27	8	29,6	0	224	24	0,0
10	(F <sub>1</sub> subsp. <i>perenne</i> x subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> ) x «Султон» нави	29	1	3,4	0	22	-	0,0
11	(F <sub>1</sub> subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x subsp. <i>perenne</i> ) x «Султон» нави	24	8	33,3	0	208	32	0,0
12	(F <sub>1</sub> subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x subsp. <i>neglectum</i> ) x «Султон» нави	25	7	28,0	0	210	14	0,0
13	«Келажак» нави x (F <sub>1</sub> subsp. <i>perenne</i> x subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> )	23	2	8,7	14	39	3	25,0
14	(F <sub>1</sub> subsp. <i>obtusifolium</i> var. <i>indicum</i> x subsp. <i>neglectum</i> ) x «Келажак» нави	12	8	66,6	0	135	19	0,0

тугунчадаги уруғкуртаклар сони 15,6-24,6 донани ташкил қилди. *G.arboreum* L. турининг туричи F<sub>1</sub> дурагайларини 7 гуруҳга бўлиб таҳлил қилинганда, битта тугунчадаги уруғкуртаклар сони 16,4-29,2 донани ташкил қилди.

*G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг турлараро F<sub>1</sub> дурагайларининг 7 гуруҳга бўлиб, таҳлил қилганимизда битта тугунчадаги уруғкуртаклар сони 16,1-30,1 донагача бўлганликлари кузатилиб, *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг туричи F<sub>1</sub> дурагайларининг кўрсаткичларидан юқорилиги аниқланди.

Бобнинг тўртинчи бўлимида ғўзанинг *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг туричи ва турлараро дурагайлари барг шакли белгисининг ирсийланиши борасида тадқиқот ишлари баён этилган. Тадқиқот натижасида *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. туричи кенжа тур ва шакллари чатиштириш асосида олинган F<sub>1</sub> комбинация ўсимликларида барг шакли белгиси оралик, яъни панжасимон кесилган ҳолатда эканлиги аниқланди. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, юқорида қайд этилган туричи ва турлараро F<sub>2</sub> комбинацияларида белгининг ирсийланишини 1:2:1 нисбатда 3 та фенотипик синфга киритиш мумкин ( $\chi^2=0,11-2,98$ ,  $0,50 > P > 0,10-0,95 > P > 0,80$ ). Бир қисм дурагай ўсимликларда барг шакли панжасимон қирқимли, икки қисм ўсимликларда панжасимон кесилган ва бир қисм ўсимликларда панжасимон киртикли бўлиб, белги тўлиқсиз доминантлик ҳолатида ирсийланиши аниқланди.

Бобнинг бешинчи бўлимида *G. herbaceum* L. туричи дурагай ўсимликларида кўсак шакли белгисининг наслга берилиш жиҳатлари ўрганилган. *G. herbaceum* L. турининг рудерал subsp. *pseudoarboreum* ва маданий subsp. *euherbaceum* («А-338») хилма-хилликларининг кўсак шакли тухумсимон кўринишда эканлиги қайд этилган бўлса, ушбу тур хилларини ўзаро дурагайлаш асосида олинган F<sub>1</sub> (subsp. *euherbaceum* («А-338») x subsp. *pseudoarboreum*) комбинацияси ўсимликларида эса кўсак шакли конуссимон эканлиги аниқланди.

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, F<sub>2</sub> (subsp. *euherbaceum* («А-338») x subsp. *pseudoarboreum*) комбинациясида кўсак шакли белгисининг ирсийланишини 9:6:1 нисбатда учта фенотипик синфга киритиш мумкин ( $\chi^2 = 0,59$ ,  $0,80 > P > 0,50$ ). Тўққиз қисм дурагай ўсимликларда кўсак конуссимон шаклда, олти қисм ўсимликларда тухумсимон шаклда ва бир қисм ўсимликларда эса ушбу белги шарсимон-анжирсимон шаклда эканлиги қайд этилди.

Диссертациянинг «**Ғўзанинг А<sub>1</sub>, А<sub>2</sub>, АД<sub>1</sub> геномли турларининг туричи ва турлараро F<sub>1</sub>-F<sub>2</sub> ўсимликларида цитогенетик тадқиқотлар таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида туричи ва турлараро дурагайларида битта гулдаги чангдонлар ва чанг доначалари сони, ҳаётчанлиги, айрим турлараро амфидиплоид (F<sub>1</sub>C-F<sub>2</sub>C) дурагайларида цитологик тадқиқотлар таҳлили натижалари келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлими *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг туричи хилма-хилликларида битта гулдаги чангдонлар ва чанг доначалари сони кўрсаткичлари таҳлилига бағишланган.

*G. herbaceum* L. турининг туричи F<sub>1</sub> дурагайлари 4 гуруҳга бўлиб таҳлил қилинганда, чангдонлар миқдори 46,1-103,1 дона, чанг доначалари эса 190,5-

396,4 донани ташкил этди. Бу эса *G.arboreum* L. турининг туричи F<sub>1</sub> дурагайларининг битта чангдондаги чанг доначалари миқдори кўрсаткичларидан юқорилигини кўрсатади.

*G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. турларининг турлараро F<sub>1</sub> дурагайларининг 7 гуруҳга бўлиб таҳлил қилинганда чангдонлар сони 44,7-90,3 дона ва чанг доначалари сони эса 229,6-344,0 донани ташкил этиб, *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. турлари туричи F<sub>1</sub> дурагайлари кўрсаткичларига нисбатан паст бўлди. *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. турлари кенжа тур ва шакллари иштирокидаги F<sub>1</sub> дурагайларида чангдонлар миқдорининг энг юқори кўрсаткичи ёввойи ва тропик шаклларнинг F<sub>1</sub> (subsp. *neglectum* x subsp. *africanum*) дурагай комбинациясида қайд этилиб, чангдонлар сони 90,3 донага тенг бўлган бўлса, энг паст кўрсаткич рудерал шаклларнинг F<sub>1</sub> (subsp. *pseudoarboreum* f. *harga* x subsp. *perenne*) дурагай комбинациясида бўлиб, чангдонлар сони 44,7-48,0 донани ташкил этди. Битта чангдондаги чанг доначалари миқдори бўйича энг юқори кўрсаткичлар (339-344 дона) рудерал ва тропик кенжа тур ва шакллари иштирокида олинган F<sub>1</sub> (subsp. *pseudoarboreum* x subsp. *neglectum* f. *sanguineum*) реципрок дурагай комбинациясида қайд этилди.

Бобнинг иккинчи бўлимида *G.herbaceum* L. турига мансуб кенжа тур ва шаклларнинг гулдаги чанг доначалари ҳаётчанлиги таҳлили баён этилган. *G.herbaceum* L. тури туричи хилма-хилликларини ўзаро дурагайлаш натижасида олинган F<sub>1</sub> дурагайларида чанг доначаларининг ҳаётчанлиги 67,5-96,7% ни ташкил этди. Чанг доначаларининг ҳаётчанлиги белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич маданий ва ёввойи кенжа турларнинг F<sub>1</sub> (subsp. *euherbaceum* («А-338») x subsp. *africanum*) комбинациясида (96,7%) қайд этилиб ота-оналик шакллари кўрсаткичларидан юқори эканлиги, белгининг ўзгарувчанлик амплитудаси 88,0-100,0% оралиғида, вариация коэффиценти 4,1% эканлиги аниқланди.


*G.arboreum* L. тури туричи хилма-хилликларини ўзаро дурагайлаш асосида олинган F<sub>1</sub> дурагайларида чанг доначалари ҳаётчанлиги 71,6-97,4%ни ташкил этди. Тропик кенжа тур ва шаклларни ўзаро дурагайлаш натижасида олинган F<sub>1</sub> (subsp. *neglectum* x subsp. *neglectum* f. *sanguineum*) реципрок комбинациясида чанг доначалари ҳаётчанлиги энг юқори кўрсаткич (97,4%) ни ташкил этди ва ота-она шаклларниқидан юқори бўлди. Ўзгарувчанлик амплитудаси мос равишда 89,0-100,0% ва 90,0-100,0%, вариация коэффиценти эса 3,1-3,7% ни ташкил этди.

*G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. турларининг турлараро F<sub>1</sub> дурагайларида чанг доначалари ҳаётчанлиги 60,7-98,0%ни ташкил этди. Рудерал ва тропик кенжа тур ва шаклларни ўзаро дурагайлаш асосида олинган турлараро F<sub>1</sub> (subsp. *neglectum* x subsp. *pseudoarboreum*) комбинациясида чанг доначалари ҳаётчанлиги энг юқори (98,0%) бўлиб, ота-оналик шакллари кўрсаткичларидан юқори эканлиги кузатилди. Унинг ўзгарувчанлик амплитудаси 88,0-100,0% ва вариация коэффиценти эса 3,8% ни ташкил этди.

Туричи ва турлараро  $F_2$  дурагайлариининг чанг доначалари ҳаётчанлиги ота-оналик шакллариға нисбатан паст (78,6-92,6%) бўлди.  $F_2$  дурагайларида чанг доначалари ҳаётчанлиги бўйича энг юқори кўрсаткич (92,6%)  $F_2$  (subsp. *neglectum* f. *sanguineum* x subsp. *obtusifolium* var. *indicum*) комбинациясида кузатилди, унинг ўзгарувчанлик амплитудаси 50,0-100,0% вариация коэффициентлари эса 9,6% ни ташкил этди.


Бобнинг учинчи бўлими амфидиплоид дурагайлариининг мейоз жараёни таҳлилиға бағишланган.  $F_1$ С «Келажак» нави x [ $F_1$  subsp. *perenne* x var. *indicum*] турлараро дурагайида мейознинг метафаза босқичида оналик чангчи ҳужайраларида 39 та бивалент ҳосил қилувчи хромосомалар конъюгацияси қайд этилди. Тетраплоид турни диплоид тур билан турлараро чатиштиришдан олинган  $F_2$ С «Келажак» нави x [ $F_1$  subsp. *perenne* x var. *indicum*] дурагайида 26 та бивалент шаклланган хромосомалариининг нормал конъюгацияси аниқланди.

Шунингдек, қолган турлараро  $F_1$  дурагайларида унивалентлар ва бивалентлар кузатилди.  $F_1$ С «Келажак» нави x [ $F_1$  subsp. *perenne* x var. *indicum*] комбинациясида ўртача хажмдаги унивалентлар (битта ҳужайраға ўртача  $2,40 \pm 0,35$  та) қайд этилди (1-2-расм).




а


1-расм.  $F_1$ С *G.hirsutum* subsp. *euhirsutum* «Келажак» нави x [ $F_1$ *G.arboreum* subsp. *perenne* x *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*] турлараро дурагайида хромосомалариининг конфигурацияси, (унивалентлар кўрсаткич чизиғи билан белгиланган) ( $24^{II} + 4^I$ ).




а



б




в



г

2-расм.  $F_1$ С *G.hirsutum* subsp. *euhirsutum* «Келажак» нави x [ $F_1$ *G.arboreum* subsp. *perenne* x *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*] дурагайи хромосомалари конфигурацияси, (унивалентлар кўрсаткич чизиғи билан белгиланган) а-б-( $37^{II} + 4^I$ ) (ўрта хажмдаги унивалентлар), в-( $38^{II} + 2^I$ ) (катта хажмдаги унивалентлар), г-( $38^{II} + 1^I$ ) (катта хажмдаги унивалентлар).

F<sub>1</sub>C «Келажак» нави х [F<sub>1</sub> subsp. *perenne* х var. *indicum*] дурагай ўсимликларининг бошқа вариантларида турли хажмдаги ҳар хил сонли унивалентлар қатнашди (битта хужайрага ўртача 0,31±0,31 тадан 1,94±0,29 тагача). F<sub>2</sub>C «Келажак» нави х [F<sub>1</sub> subsp. *perenne* х var. *indicum*] комбинацияси ўсимликларида мейознинг метафаза I босқичи таҳлили натижасида оналик чангчи хужайраларида (ОЧХ) 26 та бивалент шаклланган хромосомаларнинг нормал конъюгацияси аниқланди. Бу эса уларнинг цитогенетик барқарорлигига ва мейознинг M I босқичида хромосомаларнинг кўзга кўринадиган ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганини кўрсатади.



3-расм. F<sub>1</sub>C *G.hirsutum* subsp. *euhirsutum* «Келажак» нави х [F<sub>1</sub>*G.arboreum* subsp. *perenne* х *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*] дурагайининг спорадалари: а-триада; б-тетрада; в-микроядроли тетрада; г-пентадалар; е-гексада.

Турлараро чатиштириш асосида олинган амфидиплоид F<sub>1</sub>C-F<sub>2</sub>C «Келажак» нави х [F<sub>1</sub> subsp. *perenne* х var. *indicum*] дурагай ўсимликларида спорада таҳлили натижасида F<sub>1</sub>C «Келажак» нави х [F<sub>1</sub> subsp. *perenne* х var. *indicum*] дурагай ўсимлигида мейотик индекснинг бироз тушиши кузатилди (92,30 ± 1,06% гача), микроядрога эга тетрадалар умуман бўлмаганлиги ва монадалар (5,82 ± 0,93% гача) ҳамда триадалар (0,63 ± 0,31% гача) аниқланди. Ўрганилган бошқа дурагай ўсимликлар юқори мейотик индексни (95,73 ± 0,46% дан 97,97 ± 0,34% гача) намоён қилдилар, бу эса уларнинг юқори мейотик барқарорлигини кўрсатади (3-расм). Бироқ, ушбу дурагайларда микроядроли тетрадалар сони фарқланиб (0,35±0,17 дан 2,26±0,53 гача), мейозда унивалент ва квадривалентларнинг мавжудлиги туфайли гаметаларнинг бир хил тақсимланмаганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «Ўзанинг айрим A<sub>2</sub>, AD<sub>1</sub> геномли шакллари турлараро дурагайлаш асосида олинган амфидиплоид F<sub>1</sub>C-F<sub>6</sub>C оилаларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши» деб номланган бешинчи бобида ўзанинг амфидиплоид F<sub>1</sub>C-F<sub>6</sub>C оилаларида

қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик натижалари келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида турлараро дурагайлаш асосида олинган амфидиплоид  $F_1C-F_6C$  оилаларида ўсув даври белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик таҳлили баён этилган. Турлараро амфидиплоид  $F_1C$  [*G.hirsutum* subsp. *eu-hirsutum* («Келажак» нави) x  $F_1$ subsp. *perenne* x subsp. *obtusifolium* var. *indicum*] комбинациясида ўсув даври 122,0-128,0 кун оралиғида бўлиб, ота-оналик шаклларга нисбатан кечпишар эканлиги қайд этилди. Доминантлик коэффициенти  $hp = +11,00$  га тенг бўлиб, белги салбий гетерозисли ўта доминантлик ҳолатида ирсийланди.

Ўсув даври белгиси бўйича амфидиплоид дурагайнинг юқори авлодида трансгрессив ўзгарувчанлик кузатилди.  $F_6C$  авлоднинг ўсув даври андоза нав («С-6524») га нисбатан қисқа эканлиги, яъни 109,1-111,9 кунни ташкил этиши аниқланиб, тезпишарлиги 101-105 кун бўлган «5-оила» ва «59-оила» трансгрессив дурагай оилалари ажратиб олинди.

Бобнинг иккинчи бўлимида турлараро дурагайлаш асосида олинган амфидиплоид  $F_1C-F_6C$  оилаларида битта кўсақдаги пахта вазнининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик таҳлили баён этилган. Ота-она шаклларни ўзаро дурагайлаш асосида олинган амфидиплоид  $F_1C$  [*G.hirsutum* subsp. *eu-hirsutum* («Келажак» нави) x (*G.arboreum* subsp. *perenne* x *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*)] комбинацияси битта кўсақдаги пахта вазни 4,5 г. бўлиб, белгининг ирсийланишида оталик шаклининг ( $hp = 0,33$ ) тўлиқсиз доминантлиги кузатилди. Амфидиплоид дурагай комбинацияларининг кейинги бўғинларида битта кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичи сақланиб қолиши аниқланди.  $F_6C$  авлоднинг битта кўсақдаги пахта вазни андоза нав («С-6524») никидан анча юқори бўлиб, ўртача 6,0-6,6 г. ни ташкил этди. «5-оила», «8-оила», «13-оила», «14-оила», «41-оила», «59-оила» ўсимликларининг вариацион қаторлари орасидан йирик кўсақли (6,9-7,9 г.) трансгрессив дурагай шакллар ажратиб олинди.

Бобнинг учинчи бўлимида турлараро дурагайлаш асосида олинган амфидиплоид  $F_1C-F_6C$  оилаларида 1000 дона чигит вазнининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик таҳлили баён этилган. Ўзаро дурагайлаш асосида олинган амфидиплоид  $F_1C$  [*G.hirsutum* subsp. *eu-hirsutum* («Келажак» нави) x (*G.arboreum* subsp. *perenne* x *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*)] дурагай комбинациясида 1000 дона чигит вазни 152,0 г. кўрсаткични ташкил этиб, белги оналик шаклининг доминантлиги остида ирсийланди.  $F_6C$  авлодда 1000 дона чигит вазни андоза нав («С-6524») никидан бир оз паст бўлди. Ушбу кўрсаткич оилаларда ўртача 112,7-125,8 г. қийматга эга бўлди. Энг юқори кўрсаткич «59-оила» ўсимликларда қайд этилиб, вариацион қаторнинг 128-140 г., 141-153 г. синфларига мансуб бўлган трансгрессив дурагай шакллар ажратиб олинди.

Бобнинг тўртинчи бўлимида турлараро дурагайлаш асосида олинган амфидиплоид  $F_1C-F_6C$  оилаларида тола узунлиги белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик таҳлили баён этилган. Амфидиплоид  $F_1C$  [*G.hirsutum* subsp. *eu-hirsutum* («Келажак» нави) x (*G.arboreum* subsp. *perenne* x *G.arboreum*

subsp. *obtusifolium* var. *indicum*)] дурагай комбинациясида ўрганилган белгининг қиймати мувофиқ равишда 35,1 мм ва 34,0 мм кўрсаткичларга эга бўлиб, оналик шакли доминантлиги қайд этилди. Тола узунлиги юқори авлодда сақланиб қолиб, деярли катта ўзгарувчанлик кузатилмади. F<sub>6</sub>C авлодининг тола узунлиги андоза нав («С-6524») никидан бир оз юқори бўлди. Ушбу кўрсаткич оилаларда ўртача 33,8-34,5 мм қийматга эга бўлди. Энг юқори кўрсаткич «8-оила» ўсимликларида бўлиб вариацион қаторнинг синфлари орасидан тола узунлиги 38-39 мм бўлган трансгрессив дурагай шакллар ажратиб олинди.

Бобнинг бешинчи бўлимида турлараро дурагайлаш асосида олинган амфидиплоид F<sub>1</sub>C-F<sub>6</sub>C оилаларида тола чиқими белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик таҳлили баён этилган. F<sub>1</sub>C [*G.hirsutum* subsp. *euhirsutum* («Келажак» нави) х (*G.arboreum* subsp. *perenne* х *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*)] амфидиплоид дурагай комбинациясида тола чиқими 35,3% бўлиб, белгининг ирсийланиши оналик шаклининг доминантлиги остида кечди ва бунда доминантлик коэффициенти  $hp = 0,11$  кўрсаткичга эга бўлди. Ушбу белги бўйича юқори авлодда трансгрессив ўзгарувчанлик қайд этилди. F<sub>6</sub>C авлодда тола чиқими андоза нав («С-6524») никидан сезиларли даражада юқори бўлиб, оилаларда 36,8-40,3% ни ташкил этди. Энг юқори кўрсаткич «59-оила» ўсимликларида кузатилиб вариацион қатор орасидан тола чиқими 43-44 % бўлган трансгрессив дурагай шакллар ажратиб олинди.

Бобнинг олтинчи бўлимида турлараро дурагайлаш асосида олинган амфидиплоид F<sub>1</sub>C-F<sub>6</sub>C оилаларида тола индекси белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик таҳлили баён этилган. F<sub>1</sub>C [*G.hirsutum* subsp. *euhirsutum* («Келажак» нави) х (*G.arboreum* subsp. *perenne* х *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*)] дурагай комбинациясида тола индекси белгисининг кўрсаткичи 8,2 г. қийматга эга бўлиб, белги ижобий ўта доминантлик ( $hp = 3,75$ ) ҳолатида ирсийланди. Юқори (F<sub>6</sub>C) авлод ўсимликларида тола индекси кўрсаткичи сақланиб, андоза нав («С-6524») никидан сезиларли даражада юқори (7,1-8,5 г.) бўлди. Энг юқори кўрсаткич «59-оила» да қайд этилиб, ушбу оила ўсимликларининг вариацион қатори орасидан тола индекси 8,2-9,2; 9,3-10,3 г. бўлган трансгрессив дурагай шакллар ажратиб олинди.

Бобнинг еттинчи бўлимида толанинг сифат кўрсаткичлари таҳлили баён этилган. F<sub>1</sub>C [*G.hirsutum* subsp. *euhirsutum* («Келажак» нави) х (*G.arboreum* subsp. *perenne* х *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*)] дурагай комбинациясида микронейр кўрсаткичи 4,9 бўлиб, белгининг ирсийланишида юқори кўрсаткичли оналик шаклининг тўлиқсиз доминантлиги ( $hp = 0,82$ ) қайд этилди. Амфидиплоиднинг юқори авлодида белги бўйича катта ўзгарувчанлик кузатилмай F<sub>5</sub>C авлодда бу белгининг кўрсаткичи ўртача 4,7-4,9 ни ташкил этди. Микронейр белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич 4,7 бўлиб, «8-оила» ўсимликларида аниқланди. Ушбу оила орасидан 4,5 га эга бўлган трансгрессив дурагай шакллар ажратиб олинди.

Изланишлар давомида олинган амфидиплоид F<sub>1</sub>C [*G.hirsutum* subsp. *euhirsutum* («Келажак» нави) х (*G.arboreum* subsp. *perenne* х *G.arboreum*

subsp. *obtusifolium* var. *indicum*)] дурагай комбинациясида солиштирма узилиш кучи белгисининг ўртача кўрсаткичи 30,8 гк/текс қийматга эга бўлиб, белгининг исийланишида оталик шаклининг тўлиқсиз доминантлиги ( $h_p = 0,44$ ) қайд этилди. Ушбу белги бўйича юқори авлодларда ижобий трансгрессив ўзгарувчанлик кузатилиб,  $F_5C$  авлодида толанинг узилиш кучининг кўрсаткичи ўртача 31,6-33,6 гк/тексни ташкил этди. Олинган натижалар қуйи бўғин кўрсаткичлари билан таққослаганда уларнинг ижобий томонга ўзгарганлиги аниқланди. Қайд этилган белги бўйича энг юқори кўрсаткич (33,6 гк/текс) «59-оила» ўсимликларида аниқланди. Ушбу оила орасидан толанинг солиштирма узилиш кучи 33,2-34,6 гк/текс га эга бўлган трансгрессив дурагай шакллар ажратиб олинди.

Диссертациянинг «**Ғўзанинг айрим  $A_2$ ,  $AD_1$  геномли амфидиплоид  $F_1C$ - $F_6C$  оилаларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро боғлиқликлари ва кластер таҳлили**» деб номланган олтинчи бобида турлараро дурагайлаш асосида олинган амфидиплоид  $F_1C$ - $F_6C$  оилаларида қимматли хўжалик белгиларининг узвий боғлиқлиги ва уларнинг кластер таҳлили келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида *G.arboreum* L. ва *G.hirsutum* L. турларининг турлараро  $F_1C$ - $F_6C$  дурагайлари ва уларнинг ота-оналик шаклларида қимматли-хўжалик белгиларининг корреляцион ўзгарувчанлиги баён этилган.

Турлараро  $F_1C$  дурагайларида қимматли хўжалик белгилари ўртасидаги корреляция кучсиз ва ўртача ижобий кўрсаткичлар кўринишида намоён бўлиб, катта ўзгарувчанлик ( $r = 0,01-0,33$ ) қайд этилди.


Юқори авлоднинг деярли барча оилаларида қимматли хўжалик белгилари ўртасида кучсиз ва ўртача ижобий боғланиш кузатилди.  $F_6C$  амфидиплоид юқори авлодининг «5-оила»сида қимматли хўжалик белгиларини ўзаро корреляцион боғланишларини таҳлил қилиш «ўсув даври» ва «1000 дона чигит вазни», «тола узунлиги», «тола чиқими», ( $r = 0,03-0,07$ ), «битта кўсақдаги пахта вазни» ва «1000 дона чигит вазни», «тола узунлиги», «тола чиқими», «тола индекси» ( $r = 0,01-0,30$ ), «тола чиқими» ва «тола индекси» ( $r = 0,20$ ) белгилари ўртасида кучсиз ижобий корреляция борлигини кўрсатди.

Бобнинг иккинчи бўлимида ота-оналик шакллари ва  $F_1C$ - $F_6C$  авлод ўсимликлари қимматли хўжалик белгиларининг кластер таҳлили натижалари баён қилинган.

Кластер таҳлили натижаларига кўра, биринчи кластерга чатиштиришда оталик шакл сифатида иштирок этган  $F_1$  (*G.arboreum* subsp. *perenne* x *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*) комбинацияси ҳамда  $F_3C$  («5-оила», «14-оила», «41-оила», «59-оила»),  $F_4C$  («14-оила», «41-оила», «59-оила») киритилиб, уларнинг қимматли хўжалик белгилари яқинлиги ва кластераро белги кўрсаткичларидан паст эканлиги кўрсатилган (4-расм).

Иккинчи кластерга  $F_3C$  («8-оила», «13-оила»),  $F_4C$  («5-оила», «8-оила», «13-оила»),  $F_5C$  («41-оила») лари киритилиб, уларнинг қимматли хўжалик белгилари яқинлиги ва барча белгилар бўйича биринчи кластер

кўрсаткичидан юқори эканлиги қайд этилди. Учинчи кластерга она шакл сифатида иштирок этган *G.hirsutum* subsp. *euirsutum* «Келажак» нави, F<sub>2</sub>C, F<sub>6</sub>C («8-оила», «14-оила», «41-оила»), F<sub>1</sub>C ҳамда андоза «С-6524» нави киритилиб, улар қимматли хўжалик белгилари бўйича кўрсаткичлари бир-бирига яқинлиги кўрсатилган.



**4-расм. Бошланғич манба ва турлараро амфидиплоид F<sub>1</sub>C-F<sub>6</sub>C дурагай ўсимликларининг қимматли хўжалик белгиси бўйича кластерларга ажралишининг диндограмма кўриниши.**

Тўртинчи кластернинг F<sub>5</sub>C («5-оила», «13-оила», «8-оила», «59-оила», «14-оила»), F<sub>6</sub>C («13-оила», «5-оила», «59-оила») авлод айрим ўсимликларида «битта кўсақдаги пахта вазни»- 6,21 г., «1000 дона чигит вазни»- 113,0 г., «тола узунлиги»- 34,41 мм, «тола чиқими»- 40,26 %, «тола индекси»- 7,58 г. ни ташкил этиб, «битта кўсақдаги пахта вазни», тола узунлиги», «тола чиқими», «тола индекси» белгилари бўйича кластераро гуруҳдаги ўсимликларидан энг юқори эканлиги аниқланди. Кластер ичидаги F<sub>5</sub>C («5-оила», «13-оила», «14-оила»), F<sub>6</sub>C («13-оила») айрим оила ўсимликларининг қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари бўйича бир-бирига яқинлиги қайд этилди.

Диссертациянинг «**Ғўзанинг баъзи амфидиплоид дурагайларидан қимматли хўжалик белгилари бўйича ажратиб олинган тизмаларнинг таснифлари ва патоген ҳамда фитопатоген замбуруғларга чидамлилиги**» деб номланган еттинчи бобида турлараро амфидиплоидли рекомбинант шакллардан ажратиб олинган тизмаларда қимматли хўжалик белгиларининг таснифлари ва патоген ҳамда фитопатоген замбуруғларга чидамлилиги бўйича таҳлил натижалари келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида турлараро амфидиплоидли рекомбинант шакллардан ажратиб олинган тизмаларда қимматли хўжалик белгиларининг таснифлари баён этилган.

Турлараро амфидиплоидли рекомбинант шакллардан ажратиб олинган тизмалар ўртапишар «С-6524» навига нисбатан анча тезпишар эканлиги аниқланди. Тезпишарлик бўйича тизмалар ўртасида сезиларли фарқ бўлиб ўртача 109,3-112,3 кун оралиғидаги кўрсаткичларни ташкил этди. Т-59

тизмасида биологик тезпишарлик -109,3 кун бўлиб, андоза «С-6524» навига (120,1 кун) нисбатан 11 кунга эртапишар эканлиги аниқланди. «Т-14» тизманинг эса белгининг ўртача кўрсаткичи 112,3 кунни ташкил этиб, андоза «С-6524» навига нисбатан 7,8 кунга эртапишар бўлди. Битта кўсақдаги пахта вазни белгисининг тизмалардаги кўрсаткичи 5,8-6,4 г. ни ташкил этди ва андоза «С-6524» навидан сезиларли равишда устун бўлди. Битта кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича энг юқори кўрсаткичлар «Т-5» ва «Т-59» тизмаларида қайд этилиб, уларнинг ўртача кўрсаткичи 6,3-6,4 г. ни ташкил этди ва андоза «С-6524» нави кўрсаткичидан 0,5-0,6 г. га юқори эканлиги қайд этилди. 1000 дона чигит вазни тизмаларда 113,3-122,0 г. ни ташкил этиб андоза «С-6524» навидан бир оз паст эканлигини қайд этилди. Ушбу белги бўйича энг юқори кўрсаткич «Т-59» тизмасида бўлиб, 122,0 г. ни ташкил этди ва андоза навникига нисбатан 6,2 г. га паст бўлди. Изланишдаги тизмаларда тола узунлиги 33,9-35,0 ммни ташкил этди. Энг юқори кўрсаткич «Т-59» тизмасида (35,0 мм) қайд этилди ва тола андоза «С-6524» навидагига нисбатан 1,3 мм юқори бўлди. Ўрганилган тизмаларда тола узунлиги белгисининг энг паст кўрсаткичи Т-5 тизмасида қайд этилиб, ўртача 33,9 ммни ташкил этди. Тола чиқими белгиси бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, унинг қиймати тизмаларда 37,6-39,5 % оралиғида бўлди. Тола чиқими белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич «Т-59» тизмасида (39,5 %) бўлди ва андоза «С-6524» навиникидан 3,4 % юқори эканлиги қайд этилди. Тизмаларда тола индекси белги бўйича олиб борилган тадқиқотлар ушбу белгининг қийматлари (6,9-8,0 г.) аксарият тизмаларда андоза «С-6524» навидан юқори эканлигини кўрсатди. Ушбу белги бўйича энг юқори қиймат «Т-59» тизмасида (8,0 г.) қайд этилиб, андоза навиникидан 1,1 г. га юқори бўлди. Энг паст кўрсаткич эса «Т-8» тизмасида (6,9 г.) бўлиб, унинг қиймати андоза нав кўрсаткичи билан тенг эканлиги аниқланди. Олиб борилган изланишларимизда ўрганилган тизмаларда микронейр кўрсаткичи турлича бўлиб, 4,2-4,8 оралиғидаги ўзгарувчанликни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар андоза «С-6524» навига нисбатан яхши бўлди. Толанинг солиштирма узилиш кучи белгиси тизмаларда турлича кўринишда намоён бўлиб, 32,4-35,1 ораликдаги кўрсаткичларни ташкил этди ва андоза «С-6524» нави (30,0) қийматидан юқори бўлди. Энг юқори қиймат «Т-59» тизмасида аниқланиб, 35,1 ни ташкил этди ва андоза навга нисбатан 5,1 миқдорда юқори эканлиги қайд этилди. Олиб борилган кўп йиллик изланишлар натижасида турлараро амфидиплоидли интрогрессив «Т-59» тизмаси асосида қимматли хўжалик белгиларини ўзида мужассамлаштирган, тезпишарлик, битта кўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тола узунлиги, тола чиқими, тола индекси, толанинг сифат кўрсаткичлари (микронейр ва солиштирма узилиш кучи) каби белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга бўлган «Моҳинур» нави яратилди. Ҳозирги кунда ушбу нав Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Марказига топширилган ва унинг уруғлари кўпайтирилиб, синовдан ўтмоқда. Ушбу нав патентлаштириш учун

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигида НАР 20210078 рақами билан рўйхатга олинган.

Бобнинг иккинчи бўлимида бошланғич манбалар ва улар асосида олинган янги тизмаларнинг патоген ва фитопатоген замбуруғларга (*Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectum, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* Kleb.) чидамлилиги таҳлилининг натижалари баён этилган.

Турлараро дурагайлаш асосида олинган амфидиплоидли (F<sub>7</sub>C *G.hirsutum* subsp. *euhsutum* «Келажак» нави х [F<sub>1</sub>*G.arboreum* subsp. *perenne* х *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*]) тизмаларда *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectum, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* Kleb. патоген ва фитопатоген замбуруғ штамmlарининг чигит унувчанлигига ҳамда барг пластинкасига таъсири устида изланишлар олиб борганимизда қуйидагича натижалар олинди: Геномлараро чатиштириш асосида олинган «Т-5» тизмаси *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectum патоген замбуруғ штаммига чидамсиз бўлиб, чигитларнинг унувчанлик даражаси 60,0 % ни, барг пластинкасининг зарарланиш даражаси эса 71,0 % ни намоён этди. Шунингдек, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* патоген замбуруғ штамmlарига эса кучли чидамли бўлиб, унувчанлик даражаси 70,0 % ни барг пластинкасининг зарарланиш даражаси эса 40,0-45,0 % ни ташкил этди (5-6-7-расм).



**5-расм. «Т-5», «Т-8» тизмалари. 1. Назорат 2. *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectum 3. *Fusarium solani* 4. *Verticillium dahliae***

*Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectum, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* патоген замбуруғ штамmlари «Т-8» тизмасига таъсир этирилганда ушбу тизма юқори толерантликни намоён этди. Бунда чигитларнинг унувчанлик даражаси 90,0 % миқдорни ташкил қилди, барг пластинкаси эса зарарланмади. «Т-13» тизмаси *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectum патоген замбуруғ штаммига энг чидамсиз бўлди. Унинг чигитлари унувчанлиги -0,0 % ни кўрсатди.



**6-расм. «Т-13», «Т-14» тизмалари. 1. Назорат 2. *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectum 3. *Fusarium solani* 4. *Verticillium dahliae***

Таъкидлаш керакки, *Fusarium solani* патоген замбуруғ штаммига кам чидамли (чигитларни унувчанлиги- 65,0 %), *Verticillium dahliae* патоген замбуруғ штаммларига кучли чидамли (чигитларни унувчанлиги- 70,0 %) эканлиги намоён бўлди. Барг пластникасини уч турдаги (*Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfected, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae*) фитопатоген замбуруғига кучли зарарланишга мойил эканлиги қайд этилди ҳамда зарарланиш даражаси 71,0-95,0 % ни намоён қилди.

Т-14 тизмаси *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfected замбуруғига кам чидамли бўлиб, чигитларнинг унувчанлик даражаси 60,0 % ни барг пластникасининг зарарланиш даражаси эса 71,0 % ни ташкил этди. *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* патоген замбуруғлари таъсир эттирилганда чигитларнинг унувчанлиги 80,0 % ни, барг пластникасининг зарарланиш даражаси эса 20,0-25,0 % ни ташкил қилиб, кучли чидамлилики намоён этди. «Т-41» тизмасида ҳам патоген (*Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfected, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae*) замбуруғларига нисбатан кучли толерантликни намоён этди. Бунда, чигитларнинг унувчанлик даражаси 90,0 % ни, барг пластникасининг зарарланиш даражаси эса 10,0-15,0 % ни ташкил этди.



**7-расм. «Т-41», «Т-59» тизмалари. 1. Назорат 2. *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfected 3. *Fusarium solani* 4. *Verticillium dahliae***

Т-59 тизмасида *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfected, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae* патоген замбуруғ штаммлари таъсирида чигитларнинг унувчанлик даражаси 80,0-90,0 % бўлиб, ушбу тизма кучли чидамлилики намоён этди. Барг пластникаси ҳам ушбу уч турдаги фитопатоген замбуруғ штаммига кучли толерантликни намоён этди. Бунда, ўсимлик барг пластникасининг фитопатоген замбуруғ штаммлари билан зарарланиш даражаси 4,0-5,0 % ни ташкил этди.

Бобнинг учинчи бўлимида тадқиқот натижалари асосида яратилган янги «Генофонд-2» ғўза навининг қимматли хўжалик белгилари ва агротехникаси баён этилган. Ғўзанинг янги ўрта толали «Генофонд-2» нави морфо-хўжалик ва сифат кўрсаткичлари бўйича ўзида мужассамлашган бўлиб, ҳозирги кунда республикамизда экиб келинаётган ўрта толали ғўза навларига нисбатан рақобатбардош эканлиги аниқланган. Янги ўрта толали «Генофонд-2» нави мавжуд районлашган навлардан тола чиқими ва сифат кўрсаткичлари юқори, толасининг технологик хусусиятлари бўйича IV тип талабларига тўлиқ жавоб бериши ҳосилдор, касаллик ва қурғоқчиликка чидамли бўлиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган.

## ХУЛОСАЛАР

«*G.hirsutum* L. маданий навларининг генотипларини бойитишда  $A_1$ ,  $A_2$  геномли турларидан фойдаланиш» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. турларини туричи ва турлараро дурагайлаш асосида  $F_0$  дурагай кўсаклари олинди. Бунда, дурагай кўсакларининг тугилиши 4,7-100,0 % ни, дурагай кўсаклардаги тўлик уруғлар тугилиши эса 17,6-99,7 % ни ташкил этди. Бу дурагайлар *G.hirsutum* L. маданий нави билан мураккаб чапиштирилиб интрогрессив шакллар олинди.

2. Турлараро амфидиплоид дурагай ўсимликларнинг цитологик таҳлили натижасида иккитадан ўнтагача бўлган унивалентлар аниқланиб, кучсиз ва ўрта даражадаги десинапсис ходисаси кузатилди. Ўрганилган дурагайларнинг 70% ида туташган типдаги, катта ҳажмли ҳалқасимон квадривалентлар кўринишдаги хромосомалараро алмашилишлар бўлганлиги ва бошланғич шаклларнинг структуравий гетерозиготлиги *G.hirsutum* L. ва *G.arboreum* L. ўза турлари эволюцион жиҳатдан бир биридан филогенетик узоқ турлар эканлигидан далолат беради.

3. Эски Дунё турлар хилма-хилликлари бўйича олинган экспериментлар янги туричи система тузишга асос бўлади.

4. *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. турларининг турлараро  $F_1$  дурагайларига нисбатан туричи дурагайларида маҳсулдорликнинг таркибий қисми бўлган битта тутунчадаги уруғкуртаклар сони кам эканлиги аниқланди.

5. *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. туричи ва турлараро комбинациялари ўсимликларида барг шакли белгиси оралиқ, яъни панжасимон кесилган ҳолатда ирсийланди. Дурагайларнинг  $F_2$  авлодида белги 1:2:1 нисбатда 3 та фенотипик синфга бўлиниб, бир қисм дурагай ўсимликларда барг шакли панжасимон қирқимли, икки қисм ўсимликларда панжасимон кесилган ва бир қисм ўсимликларда панжасимон киртикли шаклга эга бўлди.

6. Туричи  $F_1$  дурагайларида кўсак шакли конуссимон бўлиб,  $F_2$  авлодида эса ушбу белги 9:6:1 нисбатда тўққиз қисм дурагай ўсимликларда кўсак конуссимон шаклда, олти қисм ўсимликларда тухумсимон шаклда ва бир қисм ўсимликларда эса шарсимон-анжирсимон шаклда бўлиб, комплементар генлар асосида ирсийланди, яъни аллел бўлмаган доминант генларнинг ўзаро таъсири ва аллел бўлмаган рецессив генларнинг гомозигота ҳолати, янги белгини юзага келтиргани аниқланди.

7. Ота-оналик шакллари, туричи ва турлараро  $F_1$ ,  $F_2$  ўсимликларининг чанг доначалари ҳаётчанлиги белгиси бўйича юқори кўрсаткичларга эгаллиги ўзанинг ўрганилаётган тур ва кенжа турларнинг ўзаро яқинлигидан далолат беради. Олинган дурагайлар селекциянинг назарий ва амалий масалаларни ечишда, айниқса, маданий навларга ярим ёввойи (рудерал), маданий тропик

шакллариининг фойдали белгиларни ўтказишда, яъни чатиштириш ишларида қўллаш имкониятини беради.

8. Турлараро дурагайлаш ҳамда экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш маданий ғўзанинг генофондини бошқа турлар ҳисобига бойитишга имкон беради. Турлараро дурагайлаш асосида яратилган дурагай ва шакллариининг қимматли - хўжалик белгиларини яхшилаш, янги генотипларни ажратиб олиш учун танлов ишларини давом эттириш лозим бўлади. Олиб борилган кўп йиллик танлов асосида яратилган ва гомеостаз ҳолатда келтирилган тизма ва навларни генетика ҳамда амалий селекцияда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкин.

9. Янги турлараро амфидиплоид юқори авлод оилалари орасидан қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш орқали тезпишар, йирик қўсақли, 1000 дона чигит вазни, тола узунлиги, тола чиқими, тола индекси ва сифати юқори бўлган трансгрессив шакллар ажратиб олинди.

10. *G.hirsutum* L. ва *G.arboreum* L. турлари хилма-хилликлари ҳамда турлараро F<sub>1</sub>C-F<sub>6</sub>C авлод оилалариининг қимматли хўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликларининг ижобий кўрсаткичлари орқали селекцион жараёнларда ноёб рекомбинантларни танлаш имконияти яратилди.

11. Турлараро амфидиплоид F<sub>1</sub>C-F<sub>6</sub>C (*G.hirsutum* subsp.*euhirsutum* «Келажак» нави х [F<sub>1</sub>*G.arboreum* subsp. *perenne* х *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var.*indicum*]) оила ўсимликларининг қимматли-хўжалик белгилариининг кластер таҳлили асосида тўртинчи кластер ичидан қимматли-хўжалик белгилари бир-бирига яқин бўлган F<sub>5</sub>C авлоднинг «5-оила», «13-оила», «8-оила», «59-оила», «14-оила»лари ҳамда F<sub>6</sub>C авлоднинг «13-оила», «5-оила», «59-оила»лари ажратиб олинди. Дурагайнинг юқори авлодларида кластерли таҳлил услубидан фойдаланиш самарали эканлиги аниқланди.

12. Турлараро амфидиплоидли интрогрессив «Т-59» тизмаси тезпишарлик, битта қўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тола узунлиги, тола чиқими, тола индекси, толанинг сифат кўрсакичлари (микронейр ва солиштирма узилиш кучи) каби қимматли-хўжалик белгилариининг андоза нав ва бошқа тизмалардан юқори кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган тизма сифатида устунлигини намоён этди.

## ТАВСИЯЛАР

1. Турлараро дурагайлаш асосида олинган ва (*Fusarium oxysporum* f.sp.*vasinfectum*, *Fusarium solani*, *Verticillium dahliae*) патоген ва фитопатоген замбуруғ штаммларига кучли чидамликка эга бўлган амфидиплоидли интрогрессив «Т-8», «Т-41» ва «Т-59» лардан генетик ва селекцион изланишларда бошланғич манба сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

2. Турлараро дурагайлаш асосида олинган амфидиплоидли интрогрессив «Т-5» тизмаси тезпишарлик белгиси бўйича 1 октябргача 90 % и қўсақларнинг пишиб етилишини ҳисобга олиб қимматли бошланғич манба сифатида генетика ва селекцион жараёнларда фойдаланишда тавсия этилади.

3. Турлараро амфидиплоидли интрогрессив «Т-59» тизмаси асосида қимматли хўжалик белгиларининг ўзида мужассамлаштирган, яъни тезпишарлик, битта кўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тола узунлиги, тола чиқими, тола индекси, толанинг сифат кўрсакичлари (микронейр ва солиштирма узилиш кучи) каби белгиларининг кўрсаткичлари юқори бўлган «Моҳинур» ғўза нави яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И  
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

---

**ИНСТИТУТ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ  
РАСТЕНИЙ**

**МУМИНОВ ХАСАН АЛИКУЛОВИЧ**

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ  $A_1$ ,  $A_2$  ГЕНОМНЫХ ВИДОВ ДЛЯ ОБОГАЩЕНИЯ  
ГЕНОТИПА КУЛЬТУРНЫХ СОРТОВ *G.HIRSUTUM* L.**

**03.00.09-Общая генетика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc)  
БИОЛОГИЧЕСКИХ НАУК**

**Ташкент - 2022**

Тема диссертации доктора (DSc.) биологических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.DSc/B127.

Диссертационная работа выполнена в Институте генетики и экспериментальной биологии растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб странице Научного совета ([www.genetika.uz](http://www.genetika.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научные консультанты:</b>	<b>Абдуллаев Абдумавлян Абдуллаевич</b> доктор биологических наук, академик
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Набиев Сайдигани Мухторович</b> доктор биологических наук, профессор <b>Ахмедов Джамолхон Ходжахонович</b> доктор биологических наук, профессор <b>Бобоев Сайфулла Гафурович</b> доктор биологических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский государственный аграрный университет</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений. (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юқори-юз. Актовый зал Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: [igebr@academy.uz](mailto:igebr@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрировано за № .....). Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юқори-юз.Тел.: (+99871) 264-23-90.)

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.

**А.А.Нариманов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.с/х.н., проф.

**С.К.Бабоев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.б.н., проф.

**Ш.Юнусханов**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., проф.

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора наук (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По всему миру хлопок является самой выращиваемой непищевой культурой - более 20 миллионов тонн ежегодного производства хлопкового волокна получают из растений, занимающих 30 миллионов гектаров посевов. Ведущие производители хлопка - Китай, США, Пакистан и Узбекистан. Эти пять стран вместе производят 65 % всего мирового хлопка. Остальные 35 % производятся в других странах мира. В хлопководстве путем применения новых технологий на основе генной инженерии и биотехнологии для создания толерантных к различным экстремальным условиям, скороспелых, с высоким качеством волокна, высокоурожайных доноров и исходного материала с хозяйственно-ценными признаками и свойствами на основе поиска ценных и уникальных форм, их вовлечения в селекционные процессы, является одной из актуальных задач.

В мире для развития хлопководства особое внимание уделяется повышению генетической изменчивости хозяйственно-ценных признаков путем использования генетически устойчивых к стрессовым факторам внешней среды, болезням и вредителям исходных форм, а также тетраплоидных и диплоидных видов хлопчатника. На основе использования методов межгеномной гибридизации хлопчатника и экспериментальной полиплоидии и определении особенности генетического контроля скороспелости, высокой урожайности, выхода и качества волокна средневолокнистых форм генофонд хлопчатника, повышение показателей количественных признаков, контролируемых полигенами и используя их связь с морфохозяйственными признаками, создание новых перспективных линий и сортов является актуальной задачей.

В нашей республике осуществляется широкомасштабные научно-исследовательские работы по созданию новых сортов хлопчатника, толерантных к болезням и вредителям, высокорентабельных, конкурентоспособных, качество волокна которых отвечает требованиям мирового рынка. На основе осуществленных, в этом направлении, программных мероприятий, достигнуты определенные результаты, в области создания сортов хлопчатника с высоким качеством волокна на основе тетраплоидных видов хлопчатника. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> намечены задачи по «созданию новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивые к болезням и вредителям, приспособленные к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям». На основе этих задач, особое значение имеют научные исследования, направленные на создание новых сортов и линий и их внедрение в производство, в частности, путем использования внутривидовых

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

представителей *G. herbaceum* L. и *G. arboreum* L. на основе обогащения генотипа сортообразцов вида *G. hirsutum* L.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №1037 «О размещении сортов хлопчатника в 2019 году и прогнозных объемах заготовки хлопка-сырца» от 22 декабря 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики - V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.**

При создании новых сортов хлопчатника, относящихся роду *Gossypium* L., научные исследования, направленные на их генетические основы, проводятся ведущими научными центрами и высшими учебными заведениями мира, в частности, в Университете Северного Техаса (США), Государственном Университете Миссисипи (США), Institute of Cotton Research of Chinese Academy of Agricultural Sciences (Китай), Tamil Nadu Agricultural University (Индия), International Cotton Advisory Committee (США), Cotton Research Institute (Пакистан), Ayub Agricultural Research Institute (Пакистан), научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Узбекистан), Институте генетики и экспериментальной биологии растений (Узбекистан).

В результате проведенных исследований в мире по методам межгеномной гибридизации видов хлопчатника и экспериментальной полиплоидии получены ряд научных результатов, в частности: некоторые уникальные признаки и свойства внутривидовых разнообразий диплоидного вида хлопчатника *G. herbaceum* L. были перенесены в генотип сортов (Institute of Cotton Research of Chinese Academy of Agricultural Sciences, China), созданы уникальные гибридные образцы средневолокнистого хлопчатника на основе гибридизации форм *G. arboreum* L. с культурными сортами (Tamil Nadu Agricultural University, India), разработаны наиболее подходящие агротехнические приемы для каждого сорта и региона в целях повышения потенциала урожайности средневолокнистого хлопчатника в разных экологических условиях (Cotton Research Institute, Pakistan), созданы новые средневолокнистые линии и сорта хлопчатника на основе изучения

---

<sup>2</sup> Комментарии зарубежных исследований по теме диссертационной работы основаны <http://www.arc.sci.eg>, [www.gfar.net](http://www.gfar.net), <http://www.ccrim.org.pk>, <http://www.ipaperu.org>, <http://www.mascotton.njau.edu.cn>, [www.ars.usda.gov](http://www.ars.usda.gov), [iar.abu.edu.ng](http://www.iar.abu.edu.ng), <http://www.cicr.org.in>, [www.gfar.net](http://www.gfar.net)

формирования, изменчивости, корреляции и кластерного анализа хозяйственно-ценных признаков интрогрессивных форм (Институт генетики и экспериментальной биологии растений, Узбекистан), определена степень изменчивости хозяйственных ценных признаков, устойчивости к вилту и возможности приспособления интрогрессивных линии в разных климатических условиях (Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Узбекистан).

В мире по использованию методов межгеномной гибридизации и экспериментальной полиплоидии на хлопчатнике ведутся научные исследования по следующим приоритетным направлениям: наследование изменчивость, корреляции морфобиологических показателей и формирование хозяйственно-ценных признаков у интрогрессивных гибридов, использование разнообразия средневолокнистого хлопчатника в качестве исходного материала в процессе прикладной селекции, создание новых линий и сортов хлопчатника с комплексом признаков устойчивости к различным стрессовым факторам и ценных хозяйственных признаков на основе изучения генетического потенциала диплоидных видов и традиционных и нетрадиционных методов генетики.

**Степень изученности проблемы.** При создании сортов хлопчатника, сочетающие положительные признаки и свойства, исследования, посвященные получению доноров с высокими показателями хозяйственно-ценных признаков, устойчивых к болезням (гоммоз, вилт) и вредным насекомым, с помощью методов межвидовой гибридизации и экспериментальной полиплоидии с участием представителей рода *Gossypium* L., проведены зарубежными учеными С.Yang & al. (2008), L.Zhang & al. (2010), К.Р.Akhtar & al. (2010, 2015), J.Luo & al. (2012), D.D.Fang & al. (2013), R.Ullah & al. (2014, 2018), Y.Chen & al. (2015), I.A.Khan & al. (2016), R.Z.Naqvi & al. (2017), R.Ullah & al. (2018)) и учеными нашей республики - Г.С.Зайцев (1928), С.С.Канаш (1932), Ф.М.Мауер (1954), Х.Бабамуратов (1976), А.Д.Дадабаев (1976), Л.Г.Арутюнова и др. (1988), А.А.Абдуллаев (2003), Х.А.Муминов и др. (2013, 2015), С.Г.Бобоев (2017), С.М.Ризаева и др. (2018), Б.А.Сирожидинов (2020). В результате, путем гибридизации диких и культурных видов получены гибриды, сочетающие полезные хозяйственные признаки, которых можно использовать в генетико-селекционных исследованиях в качестве исходного материала при переносе этих признаков к культурным сортам.

Проведены ряд исследований по доведению гибридных форм с новыми генотипами на уровень амфидиплоидов на основе гибридизации видов хлопчатника с разными геномами, изучению морфобиологических признаков интрогрессивных гибридов, полученные результаты освещены в работах С.М.Ризаевой (1996), Б.А.Сирожидинова (2020), B.S.Sandhu, (1989), P.Singh (1998), V.V.Singh (2001), P.S.Lather & al. (2001); G.Laghetti & al., (2002), A.M.Ali & al. (2003), V.N.Kulkarni & al. (2003) и других ученых.

Однако недостаточно проведены исследования по получению новых гибридов путем внутривидовой и межвидовой гибридизации культурных диплоидных видов и их цитогенетический и гибридологический анализ, доведению до амфидиплоидного уровня гибридных форм с новыми генотипами на основе межвидовой гибридизации культурных тетраплоидных и диплоидных видов.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование связано с планами научно-исследовательских работ института Генетики и экспериментальной биологии растений и выполнено в рамках фундаментальных и прикладных проектов по темам: ФА-Ф4-Т-102 «Изучение филогенетических отношений внутривидовых разнообразий рода *Gossypium* L. и их селекционных возможностей» (2007-2011 гг.), ФА-А8-Т017 «На основе применения разных методов из мирового разнообразия диплоидных и тетраплоидных видов генофонда хлопчатника выделение и оценка ценных образцов, ускорение селекционного процесса» (2015-2017 гг.).

**Целью исследования** выявление наследования, изменчивости, корреляции хозяйственно-ценных признаков амфидиплоидных гибридных семей, полученные на основе скрещивания  $A_1$ ,  $A_2$ ,  $AD_1$  геномных видов хлопчатника, создание генетически обогащенных новых линии и их применение в практической селекции.

**Задачи исследования:**

на основе *G. herbaceum* L. и *G. arboreum* L. получение внутривидовых и межвидовых гибридов;

гибридологический анализ некоторых морфо-биологических признаков внутривидовых и межвидовых гибридов  $F_1$ - $F_2$  поколения;

под воздействием колхицина доведения до амфидиплоидного уровня новых генотипов, полученных на основе межвидовой гибридизации;

